




# Бош Қомусимиз — инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати кафолатидир



# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan \* Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru \* www.uzhurriyat.uz \* 2019-yil 8-dekabr, yakshanba \* № 46 (1158)

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Аввало, барчангизни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллик байрами билан самимий табриклаб, эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Хурматли дўстлар! Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазибаларини ўзининг Конституцияси — Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгиланган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Тарихга назар солсак, асрлар давомида шаклланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз.

Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституцияимиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Бош қомусимиз, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатлигини эътироф этди ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди.

Айнан шу сабабли Конституцияимизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий қонунимизда мужассам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур.

Хурматли юртдошлар! Соҳибқирон Амир Темури бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар.

(Давоми 2-3-бетларда) >>>



## Озод ва эркин ҳаётимизнинг мустаҳкам пойдевори

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу кутлуғ айём билан муборакбод этиб, Асосий Қонунимизда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги устувор йўналиш-

лар ҳақида маъруза қилди. Ўзбекистон янги тараққиёт йўлидан олға илдамламоқда. Барча соҳада жадал суръатда олиб борилаётган иш-хотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини юксалтиришни мақсад қилган. Ўзига хос йил сарҳисобига айланган Конституция байрамида яқунла-

наётган йилда бажарилган ишлар кўз олдимиздан ўтади, нималарга эриша олдигу, қайси вазибаларни удалашда сусткашликка йўл қўйилди, деган савол кўндаланг бўлади.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида шу масалага эътибор қаратди. Мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида, кундалик ҳаётимизда очкичлик ва ошқоралик тамойилларини қарор топтириш, халқимизни рози қилиш борасидаги вазибаларга тўхталди.



### ► Давра суҳбати

Дунёда ҳар сонияда қандайдир воқеа-ҳодисалар содир бўлмоқда. Бир сония ичида унинг хабари жаҳонга тарқалапти. Ҳар қандай ахборотга ўз вақтида муносабат билдириш, уларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида маълумотлар бериб бориш миллий оммавий ахборот воситалари, хусусан, халқаро шарҳловчиларнинг вазифаси бўлиши керак.

## Халқаро ҳаёт шарҳини ким ёзади?


Бир неча йил аввал мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида халқаро шарҳловчилар мактаби шаклланган эди. Телевидение, радиоканаллар ҳамда матбуотда кунора халқаро воқеа-ҳодисаларга муносабатлар берилиб борилар эди. Айни пайтга келиб эса бу жараён анча оқсамоқда. Хусусан, матбуотда халқаро шарҳларни топиш жуда мушкул. Жаҳонда юз бераётган воқеалар деярли ёритилмаяпти. Берилаётгани эса қисқа сатрларда акс этмоқда. Шарҳлар деярли йўқ. Халқаро шарҳ ёзадиган журналистлар етишмовчилиги ҳам кундай равшан.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Халқаро шарҳловчилар кенгаши ҳамда университет ҳамкорлигида ўтказилган “ОАВда халқаро ҳаёт шарҳи: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги давра суҳбатидан

ушбу муаммоларга эътибор қаратилди.

Дастлаб жаҳон ахборот майдонида мамлакатимиз имиджини мустаҳкамлашда ОАВнинг ўрни ва халқаро тажриба, халқаро шарҳларни тайёрлашга қўйилган талаблар, уларнинг самарадорлиги, таъсирчанлигини оширишнинг асосий омиллари борасида фикр алмашилди. Сўнгра халқаро алоқалар, ахборот-сиёсий технологияларни қўллаш, шу билан бирга, интернет тармоғида журналистлар одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш қоидаларига оид масалалар муҳокама этилди.

Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги “Дунё” ахборот агентлиги директори вази-фасини вақтинча бажарувчиси Садриддин Суяров, Ўзбекистон давлат Жа-



хон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани Амрилло Каримов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Халқаро шарҳловчилар кенгаши раиси Қобилбек Каримбеков, “Дунё бўйлаб” телеканали бош муҳаррири Фоғир Жамолов, “Ўзбекистон-24” радиоканали бош муҳаррири Шарофиддин Тўлаганов ва бошқа ижодкорлар сўзга чиқдилар.



### ► АҲВОЛ

## 132 мингдан ортиқ хотин-қиз ишсиз...

Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва турли жиноятлар содир этилаётгани ҳақидаги хабарларга кўзимиз тушади. Бугунги очкичлик, шаффофлик сиёсати тўғрисида улар ҳақида аниқ маълумот бериб берилмоқда ва шу боис ҳам жиноятлар сони кўпайгандек туюлади. Бунинг сабаби эса кўпинча бекорчилик, маблағ етишмаслиги ва бошқа бир қанча ва- жларга тақалиши ҳам аён.



## Инсонпарварликнинг юксак намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 92 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 20 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 37 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 16 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, 73 нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда ва пробация хизмати органлари назоратидан олинмоқда. Шунингдек, 19 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 3 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 3 нафарини аёллар ҳамда 79 нафарини таъқилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг халқимизга хос бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-муруват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намоён бўлганининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан маъсул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

## Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимларига табрик йўллади

Куни кеча мамлакатимиз раҳбари декабрь ойининг биринчи яшанбасида нишонланадиган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан юртимизнинг барча деҳқон фермерларини, ер билан тиллашиб меҳнат қиладиган фидойи юртдошларимизни қутлади.

Фермер хўжаликлари далаларида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қиладиган дала меҳнаткашлари шаънига Президентимиз ўз табригида: “жорий йилда сизларнинг пешона терингиз билан 7 миллион 130 минг тонна галла, 2 миллион 845 минг тонна пахта, 19 минг 600 тонна пилла, 21 миллион тонна мева-сабзавот, 400 минг тонна шоли, 2 миллион 600 минг тонна гўшт ва 11 миллион тонна сут маҳсулотлари, 8,1 миллиард дона тухум олингани бу фикр-ни яққол тасдиқлаб турибди”, дея таъкидладилар.

### ОБУНА — 2020



Келгуси йил учун обуна давом этмоқда. Азиз юртдошлар, “HURRIYAT” га

ошно юраклар — сеvimли нашрингизга обуна бўлишни унутмадингизми? “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва “Матбуот тарқатувчи” АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.







► Сайлов — 2019

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сайловолди дастури (платформаси) — Янги, қудратли, очиқ ва рақобатбардош Ўзбекистон! Мақсадимиз аниқ ва унга эришиш йўлларини белгилаб олганмиз!

# Янги Ўзбекистон — янги ча бошқарув

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бу — мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг партиянинг VIII съездида қабул қилинган сайловолди дастури ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тўлиқ амалга ошириш масъулиятини ўз зиммасига олган сиёсий кучдир. Ушбу мақсад йўлида биз барча имкониятларимизни ишга солмоқдамиз.

Партия мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, орономуси, эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилганини алоҳида эътироф этиш. Энг муҳими, биз бугун халқимиз ва давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес ҳамжамияти, ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, Ҳаракатлар стратегиясида белгилаган олижаноб мақсадларга эришиш гоёлари атрофида жипслашганнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ривожланишнинг ушбу босқичида жамият ва давлат ҳаётида эришилган марралар ва ютуқларни эътироф этган ҳолда партия ўз олдига қуйидаги аниқ вазибаларни кўяди:

— дунёнинг 50 та ривожланган, иқтисодий барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган, демократик давлатлари қаторига Ўзбекистоннинг киришини таъминлаш;

— дунёнинг ақсарият мамлакатлари “Тўртинчи sanoat инқилоби” арафасида турган бир пайтда Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатнинг инновацион ривожланиш йўлидан жадал ҳаракатланиши, “билимлар иқтисодиёти” ҳамда “рақамли иқтисодиёт”, “ахборот жамияти” шакллантирилишига эришиш;

— Ўзбекистоннинг бизнес юртиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибадор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш;

— Ўзбекистонни урбанизация кўрсаткичи 60 фоизга етган, замонавий шаҳарлар, мегаполисларга эга, янги технологиялар ёрдамида бутун мамлакат бўйлаб турмушнинг бир хил юқори даражаси таъминланган, эркин ва бахтли одамлар яшайдиган қудратли ва салохиятли давлатга айлантириш.

Ушбу мақсадларга либерал-демократия тамойиллари, шунингдек, “Жадал аниқланишдан — жамият тараққиёти ва гуллаб-яшнаши томон”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, “Монополиянинг ҳеч қандай кўринишига йўл қўймаслик ва рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, шахсий мулкни ҳурмат қилиш” каби тамойиллар амалга оширилган очиқ ва кучли фуқаролик жамияти, конституциявий парламент демократияси, эркин бозор иқтисодиёти шароитидагина эришиш мумкин. **Партиянинг бош қадриятлари** — эркинлик, масъулият, ҳалоллик, адолатлик, бағри-кенглик ва имкониятлар тенглиги биз учун дастуриламал бўлиб қолаверади.

\*\*\*  
Шахс, бизнес ва хусусий секторнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилган профессионал парламент.

Биз учун янги Ўзбекистон — кучли парламентаризм институти фаолият кўрсатаётган ва “Инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун” тамойили амал қилаётган мамлакатдир.

Партиянинг бу борадаги устувор вазибалари қуйидагилардан иборат:

— парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, халқ ҳокимиятини янада кучайтириш. Биз парламент сайловларида галаба қозongan партия нафақат Бош вазир

номзодини, балки парламент куйи палатаси Спикери номзоди, Ҳукумат таркибини таклиф этиши, сайловларнинг пропорционал тизимига ўтиш, ҳокимият органларининг ҳисобдорлигини ва очиқлигини таъминлаш мақсадида жамоат ва парламент назорати тўғрисидаги қонунларни замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш каби гоёлар тарафдоримиз;

— қонун ижодкорлиги борасидаги фаолият сифатини тубдан ошириш, қонунчилик базасини тизимлаштириш ва қонуности ҳужжатлари сонини кескин қисқартириш, қонун ижодкорлигида “**акли тартибга солиш**” модели элементларини қўллаш. Партиянинг қатъий позицияси — бизга тўғридан-тўғри, бевосита ишлайдиган қонунлар керак ва қонуности ҳужжатлари билан умуммажбурий нормалар белгилашни тўхтатиш зарур;

— “**қонуннинг ягона манбаи ва муаллифи халқ экан, қонунлар инсон ва жамият ҳаётини яқшилатиш, эркинлаштириш учун қабул қилинади**”, деган олижаноб гоёни ҳаётга жорий этиш. Партия норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш ҳамда жамоат ташкилотларининг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадида “**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоат муҳокамасини ташкиллаштириш тўғрисида**”ги қонунни қабул қилишни таклиф этади;

— халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, энг муҳими, мазкур тузилмаларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, реал даромадларнинг барқарор ўсиши, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ҳамда назорат қилиш бўйича масъулиятини кучайтириш. Биз халқ вакиллик органларининг фуқаролар учун очиқлигини таъминлаш, “**Электрон парламент**” ва “**Электрон халқ депутатлари кенгаши**” каби концепцияларни ҳаётга ичкил татбиқ этиш тарафдоримиз.

**САМАРАЛИ ВА БАҚАРОР ТИЗИМ**

Мақсадимиз — дунёнинг давлат бошқаруви сифати юқори даражага эга, ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилган давлатлар қаторига Ўзбекистоннинг киришига эришиш. Бизнеснинг қатъий позицияси: давлат хизмати бу — фуқароларнинг профессионал хизмат фаолияти. Давлат хизматида ўз касбининг усталари ишлаши шарт. Бу — давлат бошқаруви тизимининг самарали ва сифатли фаолият юртиши, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш гаровидир!

Соҳадаги устувор вазибаларимиз қуйидагиларни назарда тутлади:

— менежментнинг замонавий усулларини ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, аутсорсинг дастурларини амалга ошириш. Биз давлат хизматида замонавий фикрлайдиган, янги тафаккурга эга, бошқаруving инновацион, янада мослашувчан моделларини, жумладан, лойиха моделини (Agile, Scrum, Kanban, PRINCE2 ва бошқалар) ишлаб чиқиш ва жорий этишга лаёқатли етук мутахассислар, сиёсий партиялар, хусусий сектор вакиллари, кучли хорижий экспертларни жалб қилишни кўзда тутувчи янги кадрлар сиёсатини амалга ошириш тарафдоримиз. Партия “**Давлат хизмати тўғрисида**”, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига волонтерлар (кўнгилчилар)ни кенг жалб этиш, уларни касбга йўналтириш борасида “**Волонтерлар тўғрисида**”-ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни таклиф этади;

— маъмурий ислохотлар концепцияси қондаларининг тўлиқ ва самарали амалга оширилиши, ҳукумат, давлат институтлари ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг барқа-

рорлиги ва самарадорлиги, давлат хизматларининг сифати ва тезкорлигини таъминлаш. Партия, хусусан, барча давлат хизматларини BPR (Business process reengineering — бизнес жараёни қайта ташкил этиш) тизими асосида соддалаштириш, давлат хизматларини кўрсатишга замонавий ахборот тизимларини кенг жорий этиш, “бир ойна” тамойили асосида кўрсатиладиган давлат хизматларини кенгайтириш;

— Ўзбекистоннинг изчил инновацион ва технологик ривожланиш таъминлаш мақсадида ушбу соҳанинг бошқарув тизимини такомиллаштириш гоёсини илгари сураимиз. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятини тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб этиш, бюджет маблағлари тасарруф қилинишининг шаффолиги, давлат мулкидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва мақсадлилиги каби муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаймиз.

**“РАҚАМЛИ” ВА АХБОРОТ ЖАМИЯТИ САРИ**

Партия ҳозирги ахборот жамияти шаклланиши шароитида, ахборот ва билимлар тараққиётининг стратегик омилига айланган бир даврда мамлакат ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш замонавий ахборот-коммуникация ва “**рақамли**” технологиялар жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига қанчалик жорий этилгани билан боғлиқ деб билади. Ушбу йўналишда биз қуйидаги комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қиламиз:

— “**Рақамли Ўзбекистон 2030**” дастурини жорий этиш, “**катта маълумотлар**” (“Big data”), “**блокчейн**”, “**акли**”, “**хавфсиз шаҳар**”, “**интернет буюмлар**” технологияларини кенг жорий қилиш, телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш. Ушбу асосда мамлакат ЯИМнинг 30 фоизга ўсиши ҳамда юртимизнинг “**рақамли иқтисодиётга тайёрлик**” ва “**АКТ ривожланиши**” халқаро индекслари бўйича илгор давлатлар қаторига киришини таъминлаш;

— мамлакатдаги барча аҳоли пунктлари ва таълим муассасаларига замонавий оптик толали интернет алоқа тизимини олиб кириш ва интернет хизматлари нархини пасайтириш, ташқи интернет каналлари орқали интернет трафиклари сотиб олиш ва мамлакатга тарқатиш бўйича монополашувга йўл қўймаслик;

— аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасида ўзаро самарали мулоқотни шакллантириш, ортиқча сансалорлик ва бюрократизмнинг олдини олишга қаратилган “**Электрон охшумат**” концепциясини изчил амалга ошириш;

— давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг ахборот ресурслари ва технологияларини янада тараққий эттириш, соҳада давлат-хусусий шерикчилик механизминини ривожлантириш. Хусусан, давлат кадастри ишларини юртишнинг тўлиқ рақамлаштирилишини таъминлаш ва мулкни рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилни соддалаштириш тарафдоримиз.

**ЛИБЕРАЛЛАШУВ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ**

Партиянинг энг муҳим вазибаларидан яна бири бу — ОАВни том маънодаги “**тўртинчи ҳокимият**”-га, аҳоли эҳтиёжларини ҳокимият органларига етказишнинг таъсирчан воситаси, халқ ёрдамчисига, демократия кўзгусига айлантиришдан иборатдир. Давлат органлари фаолиятига танқидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликларни, долзарб муаммоларни аниқлаш ва ёритиш ОАВ фаолиятини баҳолашда бош мезон бўлиб қолиши лозим.

Нодир ЖУМАЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ў.ЛиДепдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзод.

► Тадбир

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, хусусан, Конституциямизнинг муҳим жиҳатларини ёшларимизга ўргатиш бугунги куннинг асосий вазибаларидан биридир. Олий суд судьялари ва ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда шу ҳақда сўз борди.



## Адолат аввало қонун устуворлигида

— Бундан 27 йил муқаддам мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституцияси қабул қилинган эди. Албатта, бу давр тарих учун жуда қисқа фурсат. Аммо ўтган вақтда Ўзбекистон мустақил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу машаққатли йўлда эришган барча ютуқларимиз, энг аввало, Конституцияда белгиланган тамойилларни ҳаётга қатъий ила жорий этишимиз билан боғлиқдир. Чунки айнан Конституциямизда халқимиз узок йиллар ора қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари белгилаб берилган. Конституциямиз ҳеч қимга қарам бўлмасдан, эркин ва озо, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, — деди тадбирда сўзга қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Қомиллов.

Тадбир давомида сўзга чиққанлар Бош Қомусимизда ҳар қим эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби судда

аниқ бўлмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги тўғрисидаги нормалар белгилаб қўйилгани алоҳида таъкидланди.

— Ушбу конституциявий қондан амалда тўлиқ таъминлаш мақсадида кейинги йилларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг агентидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу машаққатли йўлда эришган барча ютуқларимиз, энг аввало, Конституцияда белгиланган тамойилларни ҳаётга қатъий ила жорий этишимиз билан боғлиқдир. Чунки айнан Конституциямизда халқимиз узок йиллар ора қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари белгилаб берилган. Конституциямиз ҳеч қимга қарам бўлмасдан, эркин ва озо, тинч ва осойишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, — деди тадбирда сўзга қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Қомиллов.

— Танловда “Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист” номинациясида 2-ўрин билан тақдирландим, — деб қувончини биз билан бўлишди “Севимли” телеканали муҳбири Мўтабар Нурмухаммедова. — Фолиблар сафида бўлганимдан гоёта мамунман. Мен “Севимли” телеканалда суд-ҳуқуқ тизимини кўп йиллардан бери ёритиб келаяман. Иш жараёнида ҳуқуқий билимимни оширишга имкон яратилди. Бугун судьяларнинг иш фаолияти кенгайдан тубдан фарқ қилаётганига гувоҳ бўляман. Авваллари журналистлар судларнинг эшигини ҳам мурашши ҳам осон эмас эди. Бугун бу ўзгаришларни гапирмасликнинг илҳами йўқ.

— Танловга 2019 йил 1 январдан 15 ноябргача республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган суд тизимидagi ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий савадонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттирилган қабул қилинган.

Танлов фолибларига диплом ва эсдалик совғалари тантанали топширилди.

Феруза РАҚИМОВА,  
“Hurriyat” муҳбири.

# AGROBANK

«АГРОБАНК» АТБ  
**ЖАМОАСИ**  
барча юртдошларимизни  
**ЎЗБЕКИСТОН**  
**РЕСПУБЛИКАСИ**  
**КОНСТИТУЦИЯСИ**  
**ҚАБУЛ**  
**ҚИЛИНГАНИНING**  
**27 ЙИЛЛИГИ**  
**байрами билан**  
**қутлайди!**

**Ушбу улуғ кунда Сиз азизларга мустақам соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва фаровонлик ҳамда мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўлидаги ишларингизга улкан омадлар тилаймиз.**

www.agrobank.uz  
мел. (71) 203 88 88

AgrobankChannel Agrobank Mobile иловасини юқлаб олинг  
/agrobankuzbekistan Download on the App Store GET IT ON Google Play  
Хизматлар лицензияланган

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзодларига овоз беринг!

► Медиа тур

Бугун юртимизда кенг қўламдаги ислохотлар жараёни давом этмоқда. Ҳар жабҳада янги давр нафаси кезаётган. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодийётининг қон томирлари — банк-молия соҳасида ҳам ўсиш, ривожланишни кузатиш мумкин.

Биргина акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” ўз фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, аҳолига кенгроқ маълумот етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари билан тизимли ҳамкорликни амалга ошириб келяпти. Яқинда муассаса журналистлар учун Бухоро вилоятида пресс-тур ташкил қилди. Унда республикаимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

QISHLOQQURILISHBANK

# Фаровон келажак сари қадам

Бухорода айна вақтда “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Бухоро минтақавий филиали, Когон ва Галаосиё филиаллари, Когон, Қорақўл, Жондор, Шофиркон, Фиждудон мини-банклари фаолият кўрсатмоқда. Улар орқали 74214 нафар миҳозга хизматлар кўрсатилляпти.

Журналистлар учун Бухоро минтақавий филиалида ташкил қилинган тақдимот тадбирида банк тузилмалари эришаётган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида маълумот берилди. Унда хизматлар қўламини ва банк миҳозлари сони муттасил кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Хусусан, “Қоровулбозор нур обод” МЧЖнинг Қоровулбозор туманида 9 гектар ҳудудда барпо этилган замонавий иссиқхонаси, “Когон меҳнат роҳат” ХК қурган истироҳат боғи ва кўнгилочар-ҳордик чиқариш мажмуаси, “Burda Lyuks Tekstil” ХКнинг текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, “City Med Buxoro” МЧЖ ташкил қилган тиббий-диагностика ва даволаш маркази, “Buxoro Komfort Plast” МЧЖда пластик қувурлар ва пластик фитинглар ишлаб чиқариш цехи, “Panorama” меҳмонхонасига сафарлар уюштирилди.



2002 йилда фаолият бошлаб, атиги 8 нафар ишчи билан иш юритган “Текстиль Бурда люкс” МЧЖ корхонаси яқин бир-икки йилда банкнинг молиявий мадади билан иш ўринларини 100 тага етказиб, барқарорликка эришгани диққатимизни тортди. Кечагина оддий цех бўлган кичик корхона ўрнида бугун фабрика пайдо бўлганининг ўзи ҳам тадбиркорга ушбу молия муассасаси томонидан катта ёрдам берилганини аниқлади. Кувонарлиси, “Istam Elegant” бренди асосида болалар кийим бошлари ишлаб чиқарётган ушбу корхонанинг хорижда ҳам миҳозлари бор.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган спорт кийимлари болажонларга манзур бўлаётганини эшитиб мамнун бўлдик. Корхона раҳбарияти келгусида тармоқни кенгайтириш, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш йўлида бир қатор режалар ишлаб чиқишган. Шулардан бири замонавий дизайн асосида болалар ва ўсмирлар курткази ҳамда пальтоллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, иш ҳажмини кенгайтиришдан иборат. Бу борада, албатта, банкнинг молиявий қўмағи асқотади.

Пресс-тур давомида Бухоро шаҳридаги “Buxoro Komfort Plast” МЧЖ фаолияти билан ҳам

танишилди. 11 нафар ишчи меҳнат қилаётган бу корхона ҳам “Қишлоқ қурилиш банк”нинг 2.450.0 миллион сўмлик кредити билан ўсишга эришган. Ишлаб чиқаришни кенгайтириб, йилига 1.980 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беришни мақсад қилган. Умумий лойиҳа қиймати 3.700 миллион сўмдан иборат бўлган ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган пластик қувур ва фитинглар ҳозирданок миҳозларга маълум бўлмоқда. МЧЖ раҳбари маҳсулотларнинг асосий харидорлари қурилиш-монтаж корхоналари эканини қайд этиб ўтди.

Давлатимиз томонидан тадбиркорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланаётган ушбу корхонанинг яна бир режаси — келгусида зарур бўладиган хомашёни ҳам ўзида тайёрлашни кўзда тутмоқда.

Бухоро шаҳрининг Ибн Сино кўчасида қад ростлаган “Панорама” оилавий меҳмонхонаси юртимиз ва хорижий давлатлардан келган меҳмонларни қишин-ёзин қабул қилиб, уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб келаётган экан. Уч қаватли мазкур масканда меҳмонларнинг барча талаб ва исхотлари инобатга олинган. Молия муассасасининг қўмағидан фойдаланиб, меҳмонхона хизмати кўрсатаётган оилавий корхона жамғирани шарт-шароитларни жаҳон талаблари асосида яратишган. 20 та жиҳозланган хоналарда бирварақайига 48 нафар меҳмон учун барча қулайликлар мўжайиб. Оилавий корхона раҳбари Илҳом Раҳимовнинг таъкидлашича, кейинги икки йил ичида республи-



Реклама ҳуқуқи асосида

камизда туристлар оқими анча кўпайгани сабабли меҳмонхона бизнесини юқори талаблар асосида ташкиллаштиришни даврининг ўзи талаб этаётган. Шу аснода “Қишлоқ қурилиш банк”нинг оилавий корхонага



берган маблағи ҳисобига янги жиҳозлар сотиб олинган. Ҳа, банк дастмоси тадбиркорларга мадад бўлмоқда.

Пресс-турнинг асосий тадбирларидан бири Бухоро туманида давом этди. Биз иштирокчилар АТ “Қишлоқ қурилиш банк” Галаосиё филиалининг очилиш тантаналарига гувоҳ бўлдик. Замонавий архитектура ечимлари асосида икки қаватли қилиб қурилган банк биноси ҳам ходимлар, ҳам миҳоз учун жуда қулай. Очилиш тадбирида АТ “Қишлоқ қурилиш банк” бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Акбар Эшонқулов, Бухоро вилояти ҳокимлиги масъуллари, Марказий банкнинг Бухоро вилояти бошқармаси масъуллари, турли ташкилот раҳбарлари ҳамда банк миҳозлари қатнашди.

Ийгиликлар республикаимиздаги банк муассасалари қаторида мазкур муассасанинг ҳам ислохотлардаги ўрнига юксак баҳо беришди. “Қишлоқ қурилиш банк” — фаровон ҳаётининг хизматиди! — широри остида келгусида республикаимизнинг турли ҳудудларида аҳолини замонавий банк хизматлари билан таъминлаш мақсадида ана шундай филиалларни ташкил этиш назарда тутилган.

Ушбу кўркэм ва замонавий

бинонинг қисқа фурсатларда қад ростлашида малакали қурувчилар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишган. “Бухоро қурилиш сервис” МЧЖ томонидан бунёд этилган банк филиали қурилиши учун асосан маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилгани ҳам эътиборимизни тортди.

— Бизнинг масъулияти чекланган жамиятимиз нафақат Бухоро вилоятидаги йирик объектлар, балки республикаимизнинг турли ҳудудларида ҳам қурилиш-монтаж ишларини бажариб келмоқда, — дейди жамият иш юритувчиси Қурбон Самадов. — Айна пайтда вилоятда етти қаватли уй-жойлар қуриб, аҳолига ўз вақтида топширялмиш. Банк биносини ҳам 9 ой давомида қуриб битказдик. Шунинг учун ҳам биз билан ҳамкорлик ўрнатишни истовчилар кўпайди. Аҳоли турар-жойлари билан бирга бир қатор давлат муассасаларидан ҳам буюртмалар олялмиш.

Мухтасар айтганда, “Қишлоқ қурилиш банк” молиявий қўмағида татбиқ этилаётган бизнес лойиҳалар журналистларда катта қизиқиш уйғотди.


Ҳикматулло ҚОДИРОВ.

ҚУТЛОВЛАР

## Самарқанд вилояти Стоматология поликлиникаси жамоаси

мамлакатимиз халқини  
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг  
27 йиллиги билан табриклайди.

Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон ва обод бўлсин.  
Ватандошларимизга энг улур неъмат —  
ҳамиша соғлиқ-омонлик тилаймиз.



Самарқанд шаҳридаги  
2-сон оилавий поликлиникаси  
жамоаси

юртдошларимизни  
Бош Қомусимиз —

8 декабрь

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси кўни  
билан самимий қутлайди!

Ватанимиз ҳамиша обод, халқимиз  
дастурхони тўкин-сочин бўлсин.



## Урганч шаҳридаги “Хоразм порлоқ келажак” хусусий корхонаси

юртдошларимизни ва мамлакатимиз  
тадбиркорларини Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси қабул қилинганлигининг  
27 йиллиги муносабати билан самимий  
қутлайди ҳамда кўп сонли ишбилармонлар ва  
истеъмолчиларни ўзаро фойдали  
ҳамкорликка таклиф этади.

Ўз иш фаолиятини 2017 йилда бошлаган мазкур корхона ҳозирда трикотаж маҳсулотлари, ҳарбийлар, мактаб ўқувчилари ва талабалар учун махсус кийим-кечаклар, иш ва уй либосларини ишлаб чиқармоқда. Маҳсулот турлари сони қисқа вақт ичида 50 тага етди, сифати эса жаҳон бозори меъёрларига тўла мос келади. Маҳсулотни улгуржи ва чакана савдо орқали харид қилиш учун барча имкониятлар яратилган. Бу каби фойдали ҳамкорлик алоқалари каттаю кичикка наф келтириб, юртимиз бозорлари тўкин-сочинлиги ва нарх-наво мўътадиллигига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Яна бир бор байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!  
Конституциямиз халқимизни равақ ва тўкинликнинг нурафшон  
йўлига бошлайверсин!

Қалбингиз диёримиздаги улкан яратувчанлик ишига,  
истиқлолимиз тамойилларига нисбатан  
ихлос-этиқод ва ғайрат-жасорат туйғуларига  
ҳамиша диммо-лим  
бўлсин!



Реклама ҳуқуқи асосида

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KONSTITUTSIYASI

8-DEKABR

O'zbekiston Respublikasi  
Konstitutsiyasi kuni

CHIRCHIQ SHAHAR HOKIMIYATI

## ЧИРЧИҚ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг  
27 йиллик байрами билан табриклайди!

Жаннатмонанд диёримиз янада гуллаб-яшнашни, мамлакатимиздаги тинчлик-  
осойишталик доимо барқарор бўлишни тилайди.

Хонадонингиздан қут-барака, қалбингиздан қувонч аримасин, азиз юртдошлар!

Реклама ҳуқуқи асосида

Масъулияти чекланган  
жамият шаклидаги  
“SAM ANTER GILAM”  
қўшма корхонаси  
жамоаси

*мамлакатимиз халқи ва  
меҳмонларини*

*Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг*

*27 йиллиги билан табриклайди.*

*Озод ва обод юртимизнинг  
меҳнатсевар элига тинчлик-*

*омонлик, хонадонларига  
қут-барака,*

*эзгу ва хайрли ишларида  
ҳамиша омад тилайди!*

Самарқанд вилоят руҳий-асаб  
касалликлари шифохонаси  
маъмурияти

*Элиини Бош қолмоқини —*

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси*

*қабул қилинганлигининг 27 йиллиги билан табриклайди.*

*Ўртинингизда олиб бориладиган кенг қамровли анжумани ва  
фзаришлар халқини қадри, турлини даражадини ошириб,  
адолат талонларининг устуворлигини таъминламоқда.*

*Ишонини қолди, она дидрини ақин биллар ишда дунда*

*дар талонлама ривож топган*

*эни илгор давлатлар қаторидан*

*ўрин эгаллайди.*

*Барта юртдошларининг ушбу бадрал билан қутлаб,*

*бахт-оводат ва омад тилайди!*

► Таълим



### Наманганда Президент мактаби очилди

Давлат бюджетидан 80 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлаб барпо этилган кўркем ва мухташам Президент мактабида иқтидорли ўғил-қизларнинг жаҳон таълим стандартлари асосида чуқур билим олиши, интеллектуал қобилиятини ривожлантириши учун замонавий шароит ва кенг имкониятлар яратилди.

144 ўқувчи тахсил оладиган таълим маскани синхоналари 16 та электрон доска, 36 та компьютер тўплами ва бошқа замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланди. Спорт зали ва бассейн, 6 мингга яқин китоб фондига эга кутубхона ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий камолотиغا хизмат қилади. Шунингдек, бу ерда чет эллик мутахассислар учун 15 ўринли меҳмонхона мавжуд.

Президент мактабида таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади. Таълим жараёни самарали ва сифатли ташкил этилишига эришиш мақсадида Cambridge университети экспертлари билан ҳамкорликда ўқув режаси ва дастурлар ишлаб чиқилган.

— Минглаб тенгдошларим орасидан сараланиб, шундай мактаб ўқувчиси бўлганимдан бахтиёрман, — дейди Сарвиноз Ҳабибуллаева. — Лекин бу ҳали орзуларим остонаси эканини, энди янада астойдил ўқиб, ота-онам, Президентимиз кутаётган билимли инсон бўлиб улғайишим лозимлигини яхши ҳис қиламан.

Ўз мухбиримиз.

► Оламда нима гап?

### «ОДАМЛАР ЖАНГА ОТЛАНДИ»: ФРАНЦИЯДА ПЕНСИЯ ИСЛОХОТЛАРИ

Францияда мамлакат президенти Эммануэль Макрон таклиф қилган пенсия ислохотлари туфайли умуммиллий намойишлар бошланди. Бу сўнгги ўн йилликдаги энг йirik намойишлар бўлиши мумкин.

Ўқитувчилар, жамоат транспорти хайдовчилари, суд ходимлари, тиббиётчилар, авиадиспечерлар ва бошқа кўплаб соҳалар вакиллари кўчаларга чиқиб. Полициячилар орасида ҳам намойишларга қўшилганлар бор. Намойишчилар тутган плакатларда «Қашшоқлик уруғини эканлар қазаб хосилини ўради», деб ёзилган.

Мактабларда ўқиш тўхтаб қолган, жамоат транспортида узилишлар юзага келган, шифоналарда жуда кам сондаги ходимлар хизмат кўрсатмоқда.

### ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР МИЛЛИЙ КЕНГАШИ (ДКМК) САЙЛОВГА ҚАРШИ ЧИКМОҚДА

Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев мамлакат Миллий Межлиси (Парламент)ни тарқатиб юбориш ва мундтадан илгари сайловлар ўтказиш санасини 2020 йилнинг 9 февралига белгилаш юзасидан фармон имзолади. Мазкур фармон Президент сайтида эълон қилинди.

Лекин мамлакатдаги демократик кучлар Миллий Кенгаши (ДКМК) сиймосидаги муҳолифатчилар мундтадан аввалги сайловларга қарши чиқди. Уларнинг фикрича мундтадан аввалги сайловлар демократик тамойилларга мос келмайди.



### ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Жоко Видодо автоматлаштириш коррупция ва ортиқча бюрократияни енгиш имконини беришига умид билдирипти. Бу каби дадил қарор мамлакатни хомашё иқтисодиётидан юқори технологик товарлар ишлаб чиқарувчи иқтисодиётга айлантиришда кўмак бериши лозим.

Кенг кўламли коррупция Индонезия учун жиддий муаммо бўлиб қоляпти. Айрим сўровнома-ларга кўра, давлат хизматчиларининг ярмига яқини пора олади. Бу эса мамлакат учун йилига юзлаб миллион долларга айланмоқда. Бундан ташқари, давлат хизматлари ўта бюрократик тизимда фаолият юритмоқда.

Мамлакат Президенти Жоко Видодо муаммонинг радикал ечимини таклиф қилди. У амалдорларнинг бир қисмини сунъий идрок билан алмаштириш ҳақида фармойиш чиқарди. Видодонинг амалдаги коалицияси Индонезия парламентидаги 74 фоиз ўринни эгаллаши ҳисобга олинмаган бўлса, Президентнинг ҳар қандай ташаббуси шубҳасиз маъқулланади.



### ОЛТИ СОАТГА ЮРАГИ ТЎХТАБ ҚОЛГАН АЁЛ

Испаниялик шифокорлар қаттиқ совуқ уриши натижасида юраги олти соатга тўхтаб қолган аёлни кутқарди. Бу ҳақда «BBC News» хабар берди.

Маълум бўлишича, Каталонияда 34 ёшли Одри Шумен турмуш ўртоғи Рохан билан тоққа саёхатга чиққанида қор бўронига дуч келишган. Гипотермия натижасида аёл аввалига сўзлаш ва ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган бўлса, сўнгра хушидан кетган.

Аёл Барселонадаги касалхоналардан бирига келтирилган. Шифокорлар унинг танасидан бир қисм қонни тортиб олиб, кислород билан тўйинтирган ва кейин унинг танасига қонни қайтариб қуйган. Шуменнинг тана ҳарорати 30 даражага етганидан сўнг унинг юрагини ишга тушириш учун дефибрилятор қўлланилган.

Шифокор Эдуард Аргудонинг сўзларига кўра, тоғдаги паст даражали ҳарорат юрак тўхтаб қолган бўлса ҳам аёлнинг мияси ва танасини сақлаб қолган.



Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

ҚУТЛОВ

► Кўрик-танлов

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида республика кўрик-танлови эълон қилинган эди.

### Бахтиёрлар диёри

Жорий йилнинг 28 ноябрь куни Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Бахтиёрлар диёри» деб номланган ўшбу танловнинг финал босқичи бўлиб ўтди. Тадбир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов номидagi илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Унда республикамизнинг барча ҳудудларидан 14 та жамоа Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида беллашди. Жамоалар дастлаб ўз мусиқий чиқишларини намойиш этишди. Сўнг улар ўзлари тахсил олаётган таълим муассасаларида қилинаётган ибратли ишлар, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида рўй бераётган ўзгаришларни саҳна кўри-нишлари орқали кўрсатиб беришди.

— Бугун чин маънода маънавият байрами, десам янглишмайман, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Маънавият ва маърифат» маркази директори ўринбосари Ойбек Мусурмонқулов. — Миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган мазкур танлов ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли, мақсадли ташкил этиш, улар ўртасида дўстлик ва ижодий яқинликни ўрнатиш, ёшлар маънавиятини янада юксалтиришда муҳим ўрин тутди. Қолаверса, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ўзи тугилиб ўсган она юрти, оиласига садокат ва муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари шакллантиришга хизмат қилади.

Бетакрор кўшиқ ва рақсларга, ёшлар ҳаётининг қайноқ, ўзига хос дамларини кўрсатиб берувчи саҳна кўри-нишларига бой бўлган тадбир сўнггида катнашчилар ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз.

# ХалқБанки

## Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси қабул қилинганига  
27 йил тўлиши муносабати билан  
юртдошларимизни ушбу қувончли кун  
билан табриклайди.

Бахт ва саодатимиз калити бўлган  
Қомусимиз барчамизнинг нафақат бугуни, балки  
келажагимизнинг ҳам ёруғ таянчи бўлсин!

27 йил

КОНСТИТУЦИЯ  
ALIFBOSI

Реклама ҳуқуқи асосида

Ўз мухбиримиз.

Хўжамушкент, хўжамушкент. Бу қандайдир сир-синоатли кент? Бағрингда нелар яширин, Хўжамушкент? Зиёратчилар оқими асло тўхтамайди. Рухий мадад сўраб келувчилар қадами узилмайди. Хўжамушкент, мўъжизанг сири нимада? Неча йилларки ошкор этмайсан. Бу сирларни, мўъжизаларинг қудратини аён этмайсан, қандай сирли зотсан?!

# Сирингни аён эт, Хўжамушкент!

Аслида, Хўжамушкент ота бошқа зиёратгоҳларга ўхшаб ўнчалик номдор, ҳашаматли эмас. Оддий. Зиёратгоҳдаги масжид ҳам нафис қурилган. Қатор булоқлардан ўтадиган кўприклар, йўлаклар, айвон — ҳамма ҳаммаси оддий. Сўнг тик зиналардан тепаликка Хўжамушкент ота рамзий қабри сари кўтариласиз. Кўтарилган сари руҳингиз энгил тортади, қандайдир кўзага кўринмас куч сизни юқорига оҳиста чорлайди. Мақбарога киришингиз билан яна бир майин сокинлик сизни бағрига олади. Куръон тиловати руҳингизни янада юксакларга кўтаради. Хўжамушкент отанинг рамзий қабри гўё мақбарога сизга сибобат билан турибди.



Мақбаранинг ичида катта қабристон. Бу қадимий қабристонга туташ тепаликда озги темир панжара билан бекитилган иккита гор бор. Айтишларича, бу муқаддас қадамжо Хўжа ибн Исоқ шахси ва номи билан боғлиқ. Ривоят қилишларича, Хўжа ибн Исоқ исмли киши ислом оламида юксак обрў-эътиборга эга кароматтўй авлиё бўлган. У киши муқаддас динимизни тарғиб-ташвиқ қилиш билан одамларни муқаддас исломга чорлаган. Ўз иниси Чилмахрам ота билан ҳозирги Хўжамушкент қишлоғининг қунботар

томонидан келганлар. Улар бир ёлғиз кампирниқиди тунаш учун жой сўрайдилар. Кампир уларни очик чехра билан кутиб олиб, меҳр билан меҳмон қилади. Кампирнинг меҳмондўстлигидан бениҳоя хурсанд бўлган ака-ука унга ҳам бир яхшилик қилиб кетишни дилларига тугади. Кампирнинг бир эчкиси бўлиб, ҳар куни ундан бир коса сут соғиб олар ва ўша худуддаги бойниқига элтиб беради. Шу тариха зўрага кун кўриб тириқчилик қилган. Улар кампирга тол новдаларидан бир човли тўқиб берадилар. Бойнинг хонадонига олиб боришдан аввал сут-

(Эссе)

ти бўлганини бойга айтиб, руҳат сўрашади. Бой уларга ха-зинасидан истаганча бойлик олишни таклиф қилади. Улар бунга рози бўлмайди. Лекин бой уларни қуруқ қўл билан кетишларига йўл қўмайди. Ака-ука авлиёлар мажбур бўлиб, бойнинг подаси ичида бир кўк буқа борлигини, уни сўйиб гўштини аҳолига тарқатишни, терисининг ўрница келадиган ерни уларга беришни айтдилар. Бундан бой ҳайрон бўлиб, ака-уканинг устидан роса кулади. Уларни нодонлар, деб атайди.

Кутилмаганда авлиёлар яна бир каромат кўрсатадилар. Иккаласи терининг икки чеккасидан тортган вақлариди тери чўзилгандан чўзилиб, бойнинг ер худудининг ярмини эгаллайди. Иккинчи томонидан тортганда ҳам шундай ҳодиса рўй беради. Жохил қўй уларни сехрар, деб эълон қилиб, ўлдирришга буюради.

Хавфдан огоҳ бўлган ака-укалар

икки томонга қочадилар. Таъқибчилар Хўжа ибн Исоқ ортидан қувадилар. Шунда у зиёратгоҳ худудидидаги булоқлар оқиби турган жойга келиб яширинади. Авлиёнинг каромати билан булоқ сувларидан парда ҳосил бўлади. Буни сезган душман аскарлари унга қарата камонлардан ўқ ва найзалар билан ҳужум қилади. Сўнг авлиё қочиб тепаликка чиқади, Аллоҳга астойдил ёлвориб, бақувват қўллари билан тошларга мушт уради. Аллоҳнинг мўъжизаси билан шу ерда гор пайдо бўлади ва авлиё ака унга кириб, кўздан гойиб бўлади.

У ёмонлар, ёмонликлар ва ёмон ниятли одамлардан қочиб, горга кириб кетади. Ёвулардан, очқўзлардан, молпарастлардан қутулиш учун горни мангу макон тутди. Одамзот бойликка тўймаслиги, бойликнинг қулига айлангани боис ҳар қандай жоҳилликдан, қотилликдан қайтмаслигини англаб етган авлиё горда яшашни афзал билди. Горда қанча яшади, қандай яшади, қанча умр кечирди, ёлғиз унинг ўзи ва Аллоҳ билди.

Хўжамушкент, хўжамушкент илоҳий мўъжизангни аён эт, аён эт,

Хўжамушкент, хўжамушкент мўъжизанг ила иллатларни тўзон эт, тўзон эт.

Хўжамушкент бобо, сизга душман бўлган ёвуз тўда ҳали-хануз яшаб келаётир. Ўша олғирлар, еб тўймас очқўзлар ашаддий таъмагирлар, юзсиз ёлғончилар, хушомадгўйлар, риёкорлар, афсуски, орамизда ҳамон топилди. Айрим ёмон тоифалар ҳар қадамда учрайди, ёнгинганда ишлайди, яшайди. Баъзан уларнинг риёкор-

лигини, қилмишларини кўриб қочинг келади, улардан батамом бекингинг келади, улар билан яшашни истамайсан. На илоҳ?! Ҳаммасини Аллоҳга соласан, жазосини Аллоҳ берсин, деб қўл силтайсан. Қаергадир қочинг келади, Сизга ўхшаб горга кириб кетишни истайсан. Қани ўша гор? Гор очишга бизнинг муштимиз кичик ва мўртлик қилади. Сиздай улуг авлиёнинг муборак ва қудратли мушти олдида бизнинг оддий, нимжон мушт-чаларимизга йўл бўлсин! Сизнинг муштингизда илоҳий куч бўлган...

Мен гордан эмас, ҳалол, пок ва яхши инсонлар паноҳидан наҳот топдим. Улар куёш мисол йўлларини ёритдилар. Ёмонларга қалқон бўлдилар, бало-қазолардан асрадилар. Эҳтимол, шундай инсонлар бор учун ҳам ҳаёт давом этаётгандир. Тириқлик қўшиги ҳамон янграётгандир. Эҳтимол, Сиздай улуг авлиёлар, пирларнинг мўъжизалари тўфайли инсоннинг маънавий қиёфаси нурланиб бораётгандир...

Сизнинг муборак қадамжоингизни обод қилганларни ҳамиша Аллоҳ сийласин, Яратганининг ўзи ҳар доим паноҳида асрасин. Ҳали бу азиз ва мўътабар тарихий қадамжо қанча-қанча зиёратчиларни ҳайратга солишига ишонамиз. Лекин яхши ниятлар билан келадиган ҳар бир зиёратчи Сизнинг мўъжизаларингиз сирларини билишга қизиқади. Уларнинг қалбларида бир савол мудом акс-садо беради: Хўжамушкент сирларингизни аён эт, мўъжизаларингизни баён эт!..

Ашурали Жўраев.



ҚУТЛОВ

## QISHLOQQURILISHBANK

**Барча юртдошларимизни  
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси  
қабул қилинганлигининг 27 йиллиги  
билан самимий табриқлаймиз.**

**Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий фаровонлик,  
Ватанимизнинг ривожини йўлидаги фаолиятингизда  
янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.**

27

DEKABR  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KONSTITUTSIYASI KUNI

WWW.QQB.UZ

Реклама ҳуқуқи асосида

### ► Тафаккур

Ҳиммат билан бир қаторда сиёсат ҳам керак. Сиёсатни юритиш учун эса пишиқ-пухта раҳбарлик хислати керак.

**Юсуф Хос  
ҲОЖИБ**

Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокроқда бўлишга интилдим.

**Амир ТЕМУР**

Шоҳдин ҳам лутф марғубдур, ҳам сиёсат матлубдур. Аммо ҳар бири ўз маҳалида хўбдур.

**Алишер НАВОИЙ**

Аҳли ўртасидаги муносабат ва муомалаларни тартибга солидиган қонулар лозим, токи ўртамизда тушулмоғчилик пайдо бўлиб жамиятимиз паршон бўлмасин.

**ФИТРАТ**

Сендан қўрққандан сен ҳам қўрқ.

**МОТУРИДИЙ**

### ► Қатра

Бардош — бизга аталган дарсхона. Тақдири азал майдонида синалиб, имтиҳон олди ўтиладиган ҳаёт дарси — Бардош. Текис, нотекис йўлларда гоҳ йўл топиб, гоҳ адашиб қолсак, қийинчиликларга дуч келсак сабр қилишга ундовчи ҳам Бардош.

## Бардош

Бу дарсхонада ҳар биримизга муносиб жой ҳозир, ўрнимиз бор. Биздаги яшашга иштиёқ, эртанги кунга ишонч, яъни бардош орти, умид қалбимизни тарқ этмайди.

Ҳар бир "дарс"ни яхши бажарсак, "имтиҳон"дан ўтолсак, бир поғона кўтариламиз. Шунингдек, Бардош ҳам юксалади, умид эса мустаҳкамлана бошлайди.

Ҳаётда қалби тоза, ўзига раво кўрганни, ўзгага ҳам истовчи инсонлар ҳамда барча синовларга бардош бера олган-

ларгина қаддини тик тутиб яшайди. Эзгуликка шукрона, ёмонликка чидам бўлса, ишонч билан олдга яна бир қадам ташлай оламиз. Бардошли инсон нафақат ҳаётда, балки жамиятда ҳам ўз ўрнини топа олади.

Мўҳими, жамиятдаги ўз ўрнимизни билиб, уни сақлаб қолиш, доимо олдинга шаҳдам қадамлар билан ҳаракат қилишда гап. Ахир ҳар бир инсон олдинги қаторда бўлишга ҳақли.

Тириқлик дунёсида яшар экансан, бу мўҳим қондани унутиб бўлмайди — синовлардан ўтишда сабр ва матонатни жонда асраш ўта мўҳим!

**Мадина КЕНЖАБОВА.**

### ► Рассом хандаси

